

Xabar


O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

Goethe-Institut Taschkent:

Дўстона алоқалар маркази

Германия Европа Иттифоқидаги ҳар томонлама ривожланган мамлакат саналади. Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари узоқ ўтмишга бориб тақалса-да, истиқлолга эришганимиздан сўнг бу алоқалар янада кенг кўлам касб этди. Сиёсий, ижтимоий ва маданий жабҳалардаги икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашда республикамизда фаолият юритаётган немис тилини ўргатиш марказлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлар ва жамғармаларнинг роли катта. Булар орасида Тошкентдаги Гёте институти олиб бораётган ишлар алоҳида аҳамиятга эга.



GOETHE-INSTITUT
TASCHKENT

4-бет

ОЗАРБАЙЖОНДА ЎЗБЕКISTON МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАСИ

Озарбайжон Республикаси билан ҳамкорлигимиз кундан-кунга мустаҳкамланиб бормоқда. Шу йилнинг 3-5 декабр кунлари Боку шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Миллий кўرғазмаси ўтказилиши ана шу мустаҳкам ҳамкорликнинг яна бир ёрқин намунаси.

Кўрғазмада республикамиз иқтисодиётининг турли соҳалари, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси компания ва ташкилотларининг маҳсулот ҳамда хизматлари кенг намойиш қилинади. Хусусан, унда "Ўзбектелеком" АК, "UZNET", "Ўзбектелеком Мобайл" филиаллари, "Telmax Elektroniks", "UNICON.UZ", "CIB Group", "NewMax Technologies", "Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази" каби соҳа корхона ва ташкилотлари иштирок этади.

Кўрғазма давомида республикамиз соҳа корхоналари Озарбайжон Республикасининг "SINAM", "ULTRA", "KUR", "Чашиоғлу Мултимедиа" сингари ахборот технологияларига ихтисослашган компаниялари билан музокаралар ўтказиб, ҳамкорлик ўрнатиши, меморандум тузиши режалаштирилган.

3-DEKABR – XALQARO NOGIRONLAR KUNI

Меҳр-эътиборнинг амалдаги ифодаси



Ўзбекистон Амалий санъат музейида Халқаро ногиронлар кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Амалий санъат музейи ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда тиббий кўмакка муҳтож кишилар, нуруний отахон ва онахонлар иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Ноғиронлар жамияти Тошкент шаҳар бўлими раиси Ҳ.Бурҳонов мамлакатимизда ногиронларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатиш, уларни тиббий-ижтимоий ҳамда психологик реабилитация қилиш, жамиятга ўз ўрнини топишига ёрдамлаштириш, зарур дори-дармонлар билан таъминлаш борасида изчил ишлар амалга ошириляётганини алоҳида таъкидлади. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда барча соҳаларда изчиллик билан амалга ошириляётган илохотларда аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш энг устувор йўналишлардан бири этиб белгиланган. Юртимизда кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ёши улуг ҳамюртларимиз, тиббий кўмакка муҳтож, ёлғиз ва боқувчисини йўқотган кишилар манфаатларини муҳофаза этишнинг самарали механизми ишлаб чиқилган. Ноғиронларга моддий ва маънавий кўмак бериш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш доимий диққат-эътиборда. Айни пайтда аҳолининг эҳтиёж-манд қатлами вакиллари тиббий-ижтимоий реабилитация қилиниб, улар учун янги иш жойлари барпо этилмоқда. Тиббий кўмакка муҳтож болалар учун инклюзив таълим тобора такомиллашиб бораётир, бу йўналишда ихтисослашган касб-ҳунар коллежлари барпо этилмоқда.

— Юртимизда биз, ногиронларга ҳар томонлама улкан эътибор қаратилмоқда, — дейди Сабоҳат Одинова. — Ноғиронлар жамиятининг тенг аъзоси сифатида олий таълим муассасаларида билим олиб, самарали меҳнат қилиш имкониятига эга. Бугунгидек қизқарли тадбирларнинг ташкил этилиши ҳам ногиронларга қаратиляётган ғамхўрлик ва эътиборнинг амалдаги ифодасидир.

Тадбирда концерт намойиш этилиб, иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Суратда: тадбирдан лавҳа.

Асқар ЁҚУБОВ олган сурат

Jumadan Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Қонунчилик палатасининг Спикери Д.Тошмухамедова бошқарди. Муҳокама чоғида баён этилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Давлат бюджетини тасдиқлаб, тегишли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигида давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг 12 ноябр кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ижросига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Йиғилишда ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, даволаш муассасалари ва тизимдаги олий ўқув юрғлари ҳамда ҳудудий бошқармалар бошқаруви иштирок этди.

Жорий йилнинг 26 ноябр кунини Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари Мувофиқлаштирувчи кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Пойтахтимиздаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида "Соғлом турмуш тарзи – баркамол авлод тарбиясининг асоси" мавзусида икки кунлик халқаро форум бўлиб ўтди. Тадбир "Сен ёлғиз эмассан" республика жамоатчилик болалар жамғармаси ва Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ташаббуси билан Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълими, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шунингдек, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилди.

Ўзбекистон Фанлар академиясида эндокринологиянинг долзарб масалаларига бағишланган ёш олимлар илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри эндокринология марказларининг бош мутахассислари, тадқиқотчилар, профессор-ўқитувчилар, шифокорлар иштирок этди.

Тошкентда "Тошкент қувончлари" деб номланган III халқаро болалар расмлари биенналеси ўтказилди. Тадбирда 5 дан 15 ёшгача бўлган ўғил-қизлар, шу жумладан, жисмоний имконияти чекланган болалар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари иштирок этди.



Йиғилишда дастлаб "2010 йилгача почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизда хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш дастури"нинг бажарилиши тўғрисида"ги масала кўриб чиқилди. Бу масала юзасидан "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директори Р.Қосимов ахборот берди. Ахборотчининг маълум қилишича, ушбу дастурнинг ижросини таъминлаш мақсадида "Почта алоқаси тармоғини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация тех-

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг навбатдаги Хайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Агентлик Бош директори, Хайъат раиси Х.Мухитдинов бошқарди.

тегишли ишлар олиб борилмоқда.

"2010-2011 ўқув йили қабул натижалари таҳлили ва ўқув жараёнини ташкиллаштириш ҳақида" Тошкент ахборот технологиялари университетининг ўқув ишлари бўйича проректори А.Юсупов ахборот берди. Ахборотда таъкидланишича, 2010-2011 ўқув йилига қабул ишларига жиддий тайёргарлик кўрилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 майдаги "2010-2011 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги қарори, Агентликнинг тегишли буйруқлари, университетнинг "2010-2011 ўқув йилига қабул комиссияси таркибига оид" 2010 йил 18 июндаги буйруғига асосан ТАТУ қабул комиссияси иши ташкил этилди.

фанлари бўйича масофавий ўқитиш тизими ташкил этилди.

"Даврий нашрларга обунани қабул қилиш бўйича ишлаб чиқариш жараёнида ахборот технологияларини жорий этиш ҳақида" "Матбуот тарқатувчи" АК бош директори С.Нажбидинов ахборот берди. Ахборотчи соҳага инновация янгиликларини киритиш ҳамда республика аҳолисини вақтли матбуот нашрларига бўлган эҳтиёжларини қондириш, автоматлаштирилган тизим орқали обуна уюштириш, ҳужжатларга ишлов беришда тез ва сифатли хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадида "Автоматлаштирилган обуна тизимини модернизация қилиш" лойиҳаси ишлаб чиқилди. Белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида компанияга

Почта, обуна ва ахборот технологиялари

нологиялари негизда хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш" лойиҳаси ишлаб чиқилиб, шу асосда бир қатор ишлар амалга оширилган. Жамият мазкур қарорни бажариш мақсадида 2848 дона электрон ўлчов воситаси, 218 та автомобил, 20 та металл детектор, 219 та уяли телефон, 2650 дона велосипед, шунингдек, 852 та бино, 36 та чакана савдо дўкони сотиб олди. Ҳозирги кунда жамиятда 2400 дан ортиқ компьютер ва серверлар, 1425 та принтер, 798 та модем, 1624 та узлуксиз электр таъминоти ускунаси, 130 та факс, 56 та сканер, 301 та нусха кўчириш ускунасидан фойдаланилмоқда. Жамият томонидан 44 та интернет-кафе ташкил этилган. Республикаимизнинг барча туман марказларида мижозларга электрон пул ўтказмалари хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилган. "Ўзбектелеком" АКнинг биллинг тизимига уланган почта алоқаси бўлимлари сони 164 тага етказилди, 326 та пластик карточкалар орқали хизмат кўрсатиш терминаллари ўрнатилди. Почта шохобчаларида мобил алоқа операторларининг тезкор-тўлов карточкалари, интернет ва телефон карточкалари ҳамда сугурта компаниялари билан ҳамкорликда сугурта полислари сотуви йўлга қўйилди.

Айни пайтда "Почта алоқаси тармоғини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизда хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш" лойиҳасининг 2011-2012 йилларга мўлжалланган иккинчи bosқичида амалга оширилган тадбирлар режасини тузиш бўйича

ТАТУ ва унинг филиалларида қабул комиссияларининг иш режалари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Университетнинг ўқитувчи ва ходимларидан иборат ишчи гуруҳи таркиби белгиланди.

2010-2011 ўқув йили қабули бўйича университет ва унинг ҳудудий филиалларида 18 та бакалавр таълим йўналишига жами 15368 та, ундан Тошкент шаҳри бўйича – 8370 та, Нукус филиалига – 883 та, Урганч филиалига – 898 та, Қарши филиалига – 1297 та, Самарқанд филиалига – 1524 та, Фарғона филиалига – 1631 та ариза қабул қилинди. Умумий ҳисобда 2010-2011 ўқув йилида ТАТУ бўйича бир ўринга аризалар нисбати 6,76 тани ташкил этди.

Жорий йилнинг 1 ноябр ҳолатига бакалавр йўналиши бўйича кундузи бўлимга 2695 ва сиртқи бўлимга 42 нафар талаба, магистратурага 210 нафар талаба қабул қилинди.

Университетда 2010-2011 ўқув йилига тайёргарлик кўриш мақсадида 18 та таълим йўналиши ва 17 та мутахассислик учун ДТСлар ва ишчи ўқув режалар ишлаб чиқилиб, тасдиқланди ва филиалларга тарқатилди. Барча деканат ва кафедралар иш режалари, профессор-ўқитувчилар шахсий иш режалари, фанлар бўйича ўқув-услубий мажмуаларнинг тайёргарлик ҳолати, лаборатория машғулопларининг услубий таъминланганлиги ҳамда ўқув, лаборатория, мултимедиа хоналари ва компьютер синфларининг тайёргарлик ҳолати ўрганилди ва тегишли далолатномалар тузилди. Янги ўқув йилида тажриба сифатида бакалаврият ва магистратура учун иккитадан мутахассислик

қарашли корхоналарга тарқатилган 112 та компютер, 101 та принтер, 96 та модем, 15 та узлуксиз электр таъминоти ускунаси ва бошқа техника воситаларининг техник ҳолати қайта кўриб чиқилди. Ҳозирги кунда автоматлаштирилган обуна тизими янги дастури вилоят корхоналари марказларига ўрнатилди. 2011 йил обуна кампанияси давомида вилоят корхоналарининг обуна буюртмалари вилоятлар серверларида шакллантирилиб, интернет орқали компаниянинг ягона обуна базасига жамланмоқда. Ушбу дастурни йирик шаҳарлар ва туман марказларида ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

Интернет тизимида компаниянинг янги кўринишдаги веб-сайти ўз фаолиятини 2010 йил март ойидан юрига бошлади. Компания веб-сайтининг Интернет-обуна бўлимида сентябр ойидан бошлаб вақтли матбуот нашрларига обунани интернет орқали уюштириш дастури жойлаштирилган. Ушбу бўлимда интернет орқали обуна расмийлаштирадиган мижозлар учун обуна каталоглари ҳам жойлаштирилган. Шу билан бирга, веб-сайтада интернет орқали расмийлаштирилган обуна учун электрон тўлов тизимлари бўйича маълумотлар жойлаштирилиб, обуначи "E-SERVICES HOUSE" МЧЖнинг "Web-sum" электрон тўлов тизими орқали обуна тўловларини амалга ошириши, шунингдек, ОАТ "Алоқабанк" мижозлари банкнинг "Интернет банкинг" дастури орқали тўловларни амалга оширишлари мумкин.

Хайъатда кўрилган масалалар қизгин муҳокама этилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Тайинлаш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 26 ноябрдаги 264-қарорига асосан Хуршид Мирсобирович МИРЗАХИДОВ Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари этиб тасдиқланди.



Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, X боб, 43-модда.

Мухтарам Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг шу йил 12 ноябр кунни бўлиб ўтган қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзuidaги маърузаси, унда давлат ҳокимияти тармоқларини, хусусан, парламентни янада ривожлантириш ва мустақамлаш, сиёсий партиялар ролини ошириш, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, шунингдек, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодий либераллаштириш борасида илгари сурилган бир қатор қонунчилик ташаббуслари жамоатчилик томонидан қатта қизиқиш билан кутиб олинди. Бунинг сабаби ушбу ташаббуслар юртимизда яшовчи барча фуқароларнинг қонунчилик турмушига, сиёсий ва фуқаровий позициясига дахлдор бўлиб, ҳар биримизни ислохотларнинг янада фаол иштирокчиси бўлишга ундайди, алоқатли жамият сари барқарор ва демократик ривожланишимизни таъминлашга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг, айниқса, сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш борасидаги ташаббуслари диққатга сазовордир. Негаки, сиёсий партия-

лар ва жамоат ташкилотлари жамиятда ўзига хос мувозанатни таъминлайдиган, давлат тузилмалари фаолиятини маълум маънода тўлдирадиган, ҳокимият билан халқ ўртасида боғловчи вазифасини ўтайдиган институтдир. Фуқаролар сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, нодавлат тузилмалар, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида қанчалик кўп қатнаш-

улияти янада ортади. Қолаверса, ушбу таклиф Конституциямизнинг 2-моддасида мустақамлаб қўйилган қоида, яъни давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдига масъул эканликлари тўғрисидаги қоидага ҳамоҳангдир.

Таклиф этилаётган қонунда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектлари, назорат предмети, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизми, шунингдек мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахслар жавобгарлигининг белгилаб қўйилиши шак-шубҳасиз, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамият назоратини амалга оширишнинг самарали ҳуқуқий механизми яратиб беради.

Мухтасар қилиб айтганда, Президентимиз илгари сурган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”, унда белгилаб берилган устувор вазифалар жамиятимиз сиёсий тизимини демократлаштириш ва модернизация қилиш йўлидаги янги босқич бўлади, шу билан бирга, ҳар биримиздан ўз фаолиятимизда янада масъулият билан ёндашишни, фидойилик билан меҳнат қилишимизни талаб этади.

Зоҳиджон ВОҲИДОВ,
“Ўзбекистон почтаси”
ОАЖ Наманган филиали директори,
юридик фанлар номзоди

Янги босқич

салар, уларнинг жамият ва давлатни бошқаришда бевосита иштироки шунчалик ортади, сиёсий-ҳуқуқий тафаккури, лунёқараш шаклланиди, пировардида эса давлатнинг ижтимоий-сиёсий ривожланиши тезлашади.

Юртбошимизнинг, хусусан, “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш таклифи давлатимизнинг демократик тарзда ривожланишига кучли туртки беради. Ушбу таклиф Президентимизнинг аввалроқ мамлакатимизда самарали бошқарув тизимини барпо этиш зарурлиги тўғрисидаги ташаббусларининг мантиқий давомидир. Жамоатчилик назорати ўрнатилган жамиятда мувозанат бўлади, ҳукумат алмашиб туришидан қатъи назар иқтисодий бир маромда ривожланаверади. Жамоатчилик назорати боис ҳокимият тармоқлари томонидан валонтистик қарорлар қабул қилинишига йўл қўйилмайди, бошқарув тизини эга мансабдор шахсларнинг масъ-

нишони беэаб турибди. Қатор фахрий ёрликлар билан мукофотланганман.

Туманимизда турли миллат вакиллари бир оила аъзоларидек яшаб, меҳнат қилишади. Бизнинг почта алоқаси тармоғида 20та алоқа бўлими бўлиб, уларнинг бирини корейс қизи Светлана Ким бошқарса, иккинчисини рус қизи Любовь Ежкова бошқаради. Биз ҳаммамиз ўзбек халқи билан бир ота-она фарзандларидек яқин ва иноқ бўлиб кетганимиз. Энг қувонарлиси, бу юрда ҳеч ким дини ва ирқига қараб камситилмайди. Ҳаммамизнинг ҳуқуқимиз — бахтимиз қомуси бўлиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қафолатланган.

Энди тушунгандирсиз, Конституция қабул қилинган кун мен учун нима сабабдан муҳим, қувончли ва қадрли эканлигини.

Мен ўзим ва жамоамиз аҳли номидан барча ўзбекистонликларини Конституция кунини билан табриклиман. Ўзларига соғлиқ, оилаларига хотиржамлик тилайман.

Ангелина КОВАЛЧУК,
Қуйичирчиқ тумани почта алоқаси тармоғи бошлиғи

Мажбурият

Бундан ўн саккиз йил олдин қабул қилинган бахтимиз қомусида биз фуқароларнинг ҳар томонлама мустақам кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларимиз ҳамда бурчларимиз белгилаб берилган. Эътиборлиси, бу каби бебаҳо имкониятлар замирида Ватан ва оила истиқболни қўзлангани қувонarli ҳолдир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIV боб, 64-моддасида “Ота-оналар ўз фарзандларини вояга еттуларига қалар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар” дейилган. Айни шу фароғатбахш мажбурият бизни ҳаммиз ҳушёрликка чорлаб турмоқда.

Оиламизда беш нафар фарзанд бўлиб, уларнинг тўрттаси ўғил. Тўнғичимиз Содиқбой Термиз қисодиёт коллежи талабаси бўлса, қолганлари қишлоғимиздаги 41-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларидир. Аёни, ака-укалар ва сингил айни вояга етиш ёшида туришибди. Турмуш ўртоғим Зухраҳон билан болаларимизнинг ҳар тарафлама комил инсон бўлиб ўсиб-улғайишига баб-баравар эътиборни қаратмоқдамиз. Ваҳоланки, иккимиз ҳам почта соҳасида ишлаймиз. Оилавий меҳнатимизнинг ўзига яраша масъулияти бор. Дарҳақиқат, алоқа бўлишимиз бир йўла учта манзил — Ижтимоият, Оққўрғон ва Ҳайитобод қишлоқларига хизмат кўрсатмоқда. Маълумки, миждозларнинг ёши ҳам, феъл-атвори ҳам хилма-хил. Улар билан тил топишда доимо вазмин, самимий бўлиш диққат-эътиборимизда туради. Шу боис оилавий меҳнатимиз самарали бўлмоқда.

Албатта, “Кун бўйи хизмат билан машғул юрган ота-она фарзандлар тарбиясига қачон вақт топишар экан?” деган савол туғилиши табиий. Дарҳақиқат, бир пайтнинг ўзида икки “кема”ни бошқара билиш осон гап эмас. Шўқрим, отам Худойберди Норалиев ва онам Рўзихол опалар қариллик гаштини суриш баробарида неваралари тарбиясида бизга ёрдам бериб туришибди. Болаларимиз бўш вақтларида гоҳ боғда меҳнат қилишса, гоҳ спорт билан шуғулланишади.

Хулоса: оиламизда фарзандларни боқиш ва тарбиялаш бўйича асосий қонунимиздаги ҳуқуқий талаблар ўз ўрнига қўйилган.

Эркин НОРАЛИЕВ,
Жарқўрғон почта алоқаси тармоғининг “Канагат” алоқа бўлими бошлиғи

Муҳим дастуриламал

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиалида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги “Миллий гоё тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан қатор ишлар амалга оширилди. Сентябр, октябр ойларида “Республикамизда ижтимоий-иқтисодий шароит. Диний ақилапарастлик иллатларининг олдини олиш. Баркамол авлод йили давлат дастурининг бажарилиши” мавзuida маънавият соатлари ўтказилган эди.

Яқинда Юртбошимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда филиал бошқаруви ходим-

лари, Фарғона шаҳар почта алоқаси тармоғи ҳамда “Матбуот тарқатувчи” шўба корхонаси вакиллари иштирок этдилар.

Давра суҳбатини ТАТУ Фарғона филиали кафедра мудирини, фалсафа фанлари номзоди Неъмат Усмонов олиб борди ва қатнашчилардан тушган кўйлаб саволларга жавоблар берди. Конституцияда саховатли заманимизда умргузаронлик қилаётган ҳар бир ватандошимиз янги-янгилар жараёнида фаол қатнашишга сафарбар этилганларни ўтказилган эди.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз раҳбарининг конституциявий ташаббуслари юртик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда қўллаб-қувватланди.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
“Хабар”нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

Бахтлилардан бириман

Яқинда мен учун, нафақат мен, балки жаннатмонанд юртимизнинг ҳар бир фуқароси учун қадрли байрам — Республика Конституцияси қабул қилинган кун қатта тантана билан нишонланади. Гапимни бежизга байрам мен учун қадрли эканлиги билан бошламадим. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор, албатта.

1950 йилда Украинанинг Винница вилоятида таваллуд топдим. Болалигим урушдан кейинги даврга тўғри келган. Бу кунларда яшаш қанчалар оғир бўлганлигини бошидан ўтганлар билалади, ҳолос.

Мактабни битириб, Украинадаги политехникумда ўқидим. 1973 йили тақдир тақозоси билан Ўзбекистонга келдим. Аввалги ёшлик ҳою ҳаваслари сабаб, бу юртни шунчаки томоша қилиб кетмоқчи эдим. Лекин тақдир эман, шу ерда бутунлай қолиб кетдим. Ўзаро меҳр-оқибатли, соф кўнгилли, меҳнатсевар ўзбек халқи қалбини бутунлай ром этган эди.

Уттиз олти йилдан бери почта соҳасида меҳнат қилаётган бўлсам, мана 14 йилдирки, почта алоқаси тармоғини бошқаряпман. Кўксимни “Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллиғи”

Xalqaro hayot



ЭРОНГА ҚАРШИ ЯНГИ САНКЦИЯ

АҚШ Эронга қарши янги санкция киритди. Америка ҳукуматининг ядро қуроли яратиш бўйича шубҳасига таяниб, Оқ уй Эронга нисбатан янги санкция қўллаш ҳақида маълум қилди.

АҚШ Молия вазирлиги “қора” рўйхатига Bank Mellat давлат банки ва мамлакат кема-созлик линияси билан боғлиқ Эрондаги яна ўн та компания ҳамда ушбу фирмалар билан ҳамкорлик қилувчи беш нафар хусусий шахс киритилган.

“Эрон ўз ноқонуний фаолиятини яшириш мақсадида турли компаниялар ва аълонинг бошқа шакллари билан фойдаланар экан, биз бу хатти-ҳаракатни тўхтатишга ва Эрон уринишларига қарши халқаро ва АҚШ санкцияларидан фойдаланишга аҳд қилдик”, — дея маълум қилган АҚШнинг терроризм ва молия разведкаси масалалари бўйича вазири Спарт Левин.

ИТАЛИЯДА ТАЛАБАЛАР НОРОЗИЛИГИ

Италияда талабаларнинг норозилик намойиши бўлиб ўтмоқда. Улар ҳукуматнинг давлат таълими тизимида ислоҳот ўтказиш режасига қарши чиқишмоқда.

France-Presse хабар беришича, ўн минглаб юқори синф ўқувчилари, талабалар ҳамда уларни қўллаб-қувватлаётган университетларнинг ўқитувчи ва профессорлари икки ойдан буён Италия таълим вазири Мариястелли Желмини илгари сурган ислоҳотга қарши тўхтовсиз кураш олиб боришяпти.

Сешанба куни Миллий парламентнинг депутатлар палатаси таълим тизимини давлат томонидан молиялаштириш қисқартиришни назарда тутувчи мазкур қонун лойиҳасини яқин ўқиб чиқди.

“Желмини реформаси”га қарши талабалар норозилиги жорий ўқув йили билан бирга бошланган. 17 ноябр — Халқаро талабалар кунини талабаларнинг оммавий норозилик намойиши бир пайтнинг ўзида Италиянинг юзта шаҳрида ўтказилди. 24 ноябрда эса намойишчилар Римдаги Сенат биносини эгаллашга уринишди. Шу кун пойтахтда полиция билан талабалар ўртасида тўқнашув содир бўлди, натижада ўндан ортиқ одам жароҳатланди, икки нафар намойишчи эса қўлга олинди.

МОЛДОВА РУМИНИЯГА БИРЛАШАДИ...МИ?

Руминия президенти Траян Бэеску Romania Libera газетасига берган интервьюсида яқин 25 йилда Молдованинг ўз мамлакатига таркибига кириши мумкинлигини, шунингдек, Руминия (ва Евроиттифоқ) чегараси Деистрэгача кенгайтиришни маълум қилди.

Румин етакчисининг фикрича, бундай бурилиш келажакда Украинани демократиялаштириш ва Киевнинг Европа Иттифоқига интилишини тезлаштиради. Шунингдек, Бэеску мамлакатини Молдова билан чегара ҳақидаги шартномани ҳеч қачон имзоламастлигини билдирди. Бухарестда Молдованинг Руминияга бирлаштириш истаги амалда яширилмайди ва бу борада Кишинёвдаги мазкур бирлашув тарафдорларига сўнилади. Молдовада яқинда бўлиб ўтган парламент сайловларида ҳам ушбу ғояни қўллаб-қувватловчи партиялар кўпчиликти ташкил этган.

Руминия консулиги томонидан Молдова фуқароларига паспорт бериш жуда фаол олиб бориляпти: 2010 йилнинг ўзида 70 мингдан ортиқ молдован румин паспортига эга бўлган. Ушбу жараён Белцах ва Кагуле шаҳарларида ҳам консуликлар очилиши билан янада жаддалашади.

Интернет материаллари асосида тайёрланди

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда.)

Гёте институти 1998 йили Германия ва Ўзбекистон ўртасида маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битимга асосан ташкил этилган. 2007 йилнинг май ойида Жаҳон тиллари университети олмон филологияси факултетида фаолият олиб борган Гёте институти 2007 йилнинг баҳорида пойтахтимиз марказида жойлашган янги бинога кўчиб ўтди. Бу орқали Гёте

маркази ҳам немис тилидаги янги китоб ва аудио-визуал манбаларга эга. Булар ёрдамида Германиядаги долзарб хабарлар ва мавзулар билан танишиб олиш мумкин. Марказ бой китоб фондига эга бўлиб, улардан фақатгина ахборот марказининг иш вақтида фойдаланилади. Китоблар уйга берилмайди, аммо лозим бўлганда адабиётлардан тўлов эвазига нусха кўчириш имкони бор. Бундан ташқари, ахборот марказида

дида бир неча бор Ўзбекистонлик кутубхоначиларнинг Германияга сафарлари уюштирилди. Ўз навбатида, Ўзбекистон кутубхоналар ва нашриётлар тизими соҳасидаги малака ошириш ишларига кўмаклашиб, бу борада ўтказилаётган анжуманлар, симпозиумлар ва семинарларда немис мутахассисларининг иштирокини таъминлади. Бунга яққол мисол тарзида ISBN (Халқаро стандартдаги китоб рақами) халқаро

Goethe-Institut Taschkent: Дўстона алоқалар маркази



институти янада кучлироқ даражада замонавий немис маданияти марказига, немис тили ва маданиятига қизиққан барча инсонларнинг мулоқот масканига айланди. Мана, 12 йилдан буён ушбу институт мамлакатимизнинг маданият, таълим ва кутубхона-начилик соҳасидаги барча муҳим ҳамкор муассасалари билан биргаликда Германия ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, шу орқали Ўзбекистон ва Германия, Ўзбекистон ва Европа ўртасидаги ҳамкорликни янада яхшилашга хизмат қилиб келмоқда.

Тошкентдаги Гёте институти Тиллар, Маданий дастурлар ва Ахборот-кутубхона бўлимларини ўз ичига олган. Айтиш мумкинки, Ахборот-кутубхона бўлими таркибига институтнинг ўзидаги ахборот маркази, Тошкент санаот касб-ҳунар коллежи ахборот-ресурс маркази ҳамда Самарқанд вилояти ахборот-кутубхона марказида жойлашган немис ўқув заллари, шунингдек, Фарғона вилояти ахборот-кутубхона марказидаги ахборот фонди кириди. Ахборот-кутубхона бўлими орқали оммавий кутубхоналарда жойлашган немис ўқув заллари иштирокида Ўзбекистонлик ҳамкасбларни Германия ҳақидаги қизиқариш, шу билан бирга, аниқ маълумотлар, олмонзабон кишилар учун адабиётлар ҳамда долзарб оммавий ахборотлар, немис тилидаги керакли адабиётлар, аудио ва видео ёзувлар билан таъминлаш йўлга қўйилган.

Институтнинг ахборот

немис тилидаги сайтларга кириш имконини яратиш мақсадида олтига компютер интернет тармоғига улланган бўлиб, улардан фойдаланиш бегул.

Газета ва журналлар янги нусхаларидан Гёте институтининг кўргазма залида фойдаланиш мумкин. Уларнинг эски саҳифалари ахборот марказида жойлашган. Кўргазмалар залида ахборот марказига қарашли мультимедиа бурчаги мавжуд. Мультимедиа бурчаги иккита аудиоплеер ва битта телевизордан иборат. Мультимедиа бурчагида ҳар кун янги аудиодастурлар — компакт дискларга ёзилган адабиётлар, мумтоз ҳамда замонавий мусикалар тақдим этилади. Телевизор орқали Германиянинг муҳим теледастурлари билан бир қаторда, DVD филмларини ҳам кўриш имкони мавжуд.

Гёте институти сўнгги ўн икки йил давомида Ўзбекистонда кутубхоналар ва нашриётлар тизими соҳасида ўзбекистонлик ва германиялик эксперт-мутахассислар тажриба алмашинувини рағбатлантирувчи кўпгина лойиҳаларни амалга оширди. Шунингдек, Германиядаги барча жабҳалар ҳамда янгиликлар ҳақида долзарб маълумотлар мунтазам бериб борилди.

— Институтимизнинг ахборот-кутубхона ишлари доирасидаги фаолиятнинг ўзи муҳим аҳамиятга эга, — дейди Ахборот-кутубхона бўлими раҳбари Моҳидил Шамшидинова. — Ўзаро тажриба алмашиш, немис кутубхоначилиги иши билан яқиндан таништириш мақса-

ташкilotи собиқ раҳбари жаноб Ҳартмут Валравенснинг мамлакатимизга ташрифи ва Ўзбекистоннинг 2006 йилда халқаро ISBN ташкilotига аъзо бўлишини, Тошкент маданият институти кутубхонашунослик факултетида немис профессори таклиф этилганини, Мюнхендаги “Hanzer Verlag” нашриёти раҳбари Михаэл Крюгернинг “Ўзбекистон” нашриёти уйда ўзбек нашриётчилари билан мулоқотини, “Инсонлар ва китоблар” ташаббуси доирасида Фарғона вилоят АКМга Марика Болрозичнинг ташрифини қайд этиш мумкин.

Яқинда яна бир мутахассис — Австрия фан ва технологиялар институти мутахассиси Патрик Дановскийнинг мамлакатимизга келгани ҳам институтнинг дўстона муносабатлар йўлида олиб бораётган фаолиятига бир мисолдир. П.Дановский Республика ахборот-кутубхона марказида ўзбек ёшлари билан интернетга уланишининг ўзига хос янги қирралари бўйича амалий машғулотлар олиб борди.

Олмонзабон адабиётлар муталаасининг мароқди бўлишини таъминлаш ҳам Ахборот-кутубхона бўлими ходимларининг муҳим вазифаларидан биридир. Бу, ўз навбатида, германиялик муаллимлари иштирокида Ўзбекистонда бир қатор адабий тадбирлар, китоб кўргазмалари ва муталаа кўрларини ташкил этишда ўз аксини топмоқда.

Усмонжон Йўлдошев,
“Xabar” мухбири

Даврий нашрлар ўз ўрнига эга

Айрим экспертларнинг фикрича, вақти келиб “қоғоз” ахборот манбалари – газета ва журналлар ўрнини асосий ахборот манбаи – интернет эгаллаши мумкин. Бунинг биринчи аломати сифатида кишиларнинг даврий нашрларга обуна бўлмай қўйишлари кўрсатилади. Бу башоратлар қанчалик ўринли? Интернет орқали ҳақиқатан ҳам етарли ва керакли маълумотга эга бўлиш мумкинми ва мумкин бўлса интернетга жойлаштириладиган мақолалар бизнинг маънавияту мафкурамизга қанчалик мос келади, интернетнинг ўзбекча манбалари бизни қаноатлантирадилми?



катлари, масалан, обуна уюштирувчиларни рағбатлантириши ёки имтиёзли обуналар ташкил этиши уларнинг ўқувчилари кўпайишига хизмат қилади. Қузатувлар ҳам буни исботламоқда. Масалан, “Келажак авлоди” газетаси ёки соҳа нашри — “Хабар” таҳририятларининг энг яхши обуна ташкилотчилари учун мукофотлар таъсис этишгани мазкур газеталарга қизиқишни оширяпти.

Бу йилги обуна режасини бажариш учун имкониятларимиз етарли. Бу борада бизга туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари жуда катта амалий ёрдам кўрсатмоқда. Бундан ташқари, минтақалардаги йирик корхоналар, таълим муассасалари билан ҳам обуна масаласида ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Яна бир қулайлик обунанинг терминаллар орқали йўлга қўйилганлигидир, бу омил ҳам обуначилар сафини кенгайтиришга хизмат қилади.

Филиалнинг Юқоричирчиқ, Ўртачирчиқ, Паркент, Янгийўл, Бекобод почта алоқаси тармоқларида республика даврий нашрлари обунаси жадал кетмоқда. Улар зиммаларидаги режани ҳозиргача 56–41 фоизга уддалашди. Умуман олганда, аҳоли ва ташкилотлар учун “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ каталоги ва хорижий нашрлар каталоги асосида обуна уюштириляпти. Бизнинг алоқа бўлимларимизга келган ҳар бир киши газета ва журналлардан ташқари, китоблар, маълумотномалар, бюллетенларга ҳам обуна бўлиши мумкин.

Собит АҲАДОВ,
“Хабар” муҳбири

Суратда: Филиал обуна бўлими бошлиғи Гулчехра Шукурова ва бўлим етакчи муҳандиси Манзура Туралбоева обуна маълумотларини муҳокама қилишмоқда.

Маълумотларга кўра, ҳатто энг сўнги ахборот технологиялари ҳам дунёнинг ривожланган мамлакатларида босма нашрлар мавқеига таъсир кўрсатгани йўқ. Масалан, Хитой ва Японияда барча нашрлар умумий адалининг 90 фоизи бевосита обуна орқали тарқатилмоқда. Каналада бу кўрсаткич 88 фоизни, Финляндияда 86, АКШда 85, Швецияда 72, Нидерландияда 65, Германияда 48, Бразилияда 41 фоизни ташкил этади.

Гувоҳи бўляпмизки, ҳеч бир оммавий ахборот воситаси

бир-бирининг ўрнини эгалламайди, балки тўлдириб туради, шундай экан, босма нашрлар обунаси ахборот олишга талабнинг ошишига ҳамоҳанг равишда ошиб бораверади. Биз билан суҳбатда “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Тошкент филиалининг обуна бўлими бошлиғи Гулчехра Шукурова вилоятда обуна ишларининг ҳозирги ҳолати, почтачилар зиммасидаги вазифаларга тўхталиб ўтди.

— Филиалимиз Тошкент вилояти аҳолиси ва ташкилотларига матбуот нашрларини етказувчи етакчи корхона

ҳисобланади. Вилоятнинг энг чекка қишлоқлари аҳолиси ҳам бевосита почтачиларнинг хизматлари натижасида янги газета ва журналлардан баҳраманд бўлишди. Бунинг учун 20та почта алоқаси тармоғи ва 327та алоқа бўлимида обуна ишлари йўлга қўйилган. Қолаверса, Қибрай ва Бўстонлик туманларида кўчма алоқа бўлимлари орқали обуна уюштириб, даврий нашрлар тарқатилади. Мутахассисларимиз обунани янада жонлантириш мақсадида туманларга чиқиб, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришяпти.

Албатта, бизнинг фаолиятимизда оммавий ахборот воситаларининг қўллаб-қувватлаши жуда ҳам муҳим. Маълумки, почта истеъмолчиларга муайян нашрни реклама қилмайди, балки уларни умумий обунага жалб этади. Шу боис таҳририятларнинг саъй-ҳара-

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисидида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, VI боб, 22-модда.

ДАВЛАТ АЛОҚА ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ

Бахтимиз қомуси —
Конституциямизнинг
18 йиллиги муносабати
билан барчага
энг эзгу тилакларини
изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНING
КОНСТИТУЦИЯСИ

“ЎЗБЕКИСТОН”

ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимиз халқини

Конституциямиз
қабул қилинганлигининг
йиллиги билан
қутлайди.



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНING
КОНСТИТУЦИЯСИ

“ЎЗБЕКИСТОН”

Серқуёш заминимиз обод,
дастурхонимиз тўкин бўлсин.

Новые частоты для расширения сети LTE

«МТС-Узбекистан» объявляет о получении разрешения на использование радиочастот в диапазоне 700 МГц для расширения действующей сети «четвёртого поколения».

«Развитие сетей LTE в Узбекистане позволит МТС стать одним из мировых лидеров в области развертывания 4G. Использование инновационных телекоммуникационных технологий, доступных в мире, дает нашим клиентам неоспоримые преимущества. Как и в случае строительства сетей 3G, компания «МТС-Узбекистан» планирует развивать стандарты 3G и 4G LTE на всей территории Узбекистана. Постоянно растущее число пользователей мобильного Интернета предъявляет все более жесткие требования к сетям МТС, качеству и скорости передачи данных. Именно поэтому развитие сетей 4G является приоритетом для ведущего оператора мобильной связи в Узбекистане», — подчеркнул заместитель генерального директора по коммерции «МТС-Узбекистан» Нуриддин Шадманов.

В конце июля 2010 года компания «МТС-Узбекистан» одной из первых в СНГ и в Центральной Азии запустила сеть «четвертого поколения» (LTE) в Узбекистане, таким образом, Узбекистан стал одной из первых стран в мире, где была построена сеть 4G. Сеть LTE



позволяет абонентам МТС пользоваться мобильным Интернетом со скоростью до 100 Мбит/с. На сегодняшний день сеть 4G доступна в центральной части города Ташкента, однако в будущем компания планирует расширить зону покрытия сети 4G по всему Узбекистану. Кроме того, одним из важнейших приоритетов для компании остается и развитие сети 3G. В Узбекистане МТС запустила «сеть третьего поколения» в коммерческую эксплуатацию в декабре 2008 года. Сеть построена на базе технологии HSDPA, позволяющей осуществлять передачу данных на скорости до 3,6 Мбит/сек, реализована услуга «Видеозвонок». К концу 2011 года компания планирует вернуть сети 3G во всех областных и районных центрах, а также других крупных городах Республики Узбекистан.

Технология LTE (Long-Term Evolution) — это логическое продолжение развития сетей 3G. Данная технология способна обеспечить значительное (теоретически, в сотни раз) увеличение скорости передачи данных по сравнению с действующими мобильными сетями.

Сотрудничество продолжается

«Beeline Business» сообщает о подключении к услуге «Единая сеть» ОАКБ «Узпромстройбанк».

Начальник отдела стратегии и маркетинга «Узпромстройбанка» Умид Юсупов отметил: «Сегодня благодаря инновационным решениям «Beeline Business» не только осуществляется оперативное руководство деятельностью банка, но и расширяются наши связи, а также облетается взаимодействие с региональными филиалами».

Рассмотрев весь спектр возможностей по реализации проекта корпоративной сотовой связи, «Узпромстрой-



банк» принял решение подключить уникальную услугу «Единая сеть». Теперь все мобильные и фиксированные номера «Beeline Business», используемые банком, входят в общую корпоративную сеть.

«Мы гордимся сотрудничеством с одним из крупнейших банков Узбекистана. Уверен, что подключение услуги «Единая сеть» позволит нашему ключевому клиенту сокра-


тить затраты на связь и оптимизировать бизнес-процессы», — прокомментировал событие коммерческий директор по развитию корпоративного бизнеса Ташкентского регионального филиала «Unitel» Михаил Куликов.

Напомним, что по итогам завершившихся в мае переговоров руководство банка инициировало проект по созданию корпоративной сети по всей территории Узбекистана посредством фиксированной связи, а также реализацию услуги мобильного VPLAN. С этой целью «Узпромстройбанку» уже поставлены соты 3G-модему «Билайн».

Золотые номера десять раз дешевле

«Билайн» сообщает о начале акции «Золотые номера в 10 раз дешевле». С 26 ноября по 31 декабря 2010 года в офисах и торговых точках «Билайн» можно приобрести золотой номер номиналом \$50 всего за \$5.

Комментируя событие, коммерческий директор по развитию массового рынка «Unitel» Марат Сериков отметил: «Мы рады объявить сезон новогодних



сюрпризов «Билайн» открытым! Золотой номер может стать не только приятным приобретением, но и отличным подарком родным и близким, так что советуем поторопиться: количество номеров ограничено».

Золотой номер со скидкой можно подключить на любой тарифный план предоплатной системы расчетов. Подробности акции — на сайте www.beeline.uz.

Современный облик

В целях дальнейшего формирования современного облика почтовых объектов, а также модернизации сети почтовой связи, внедрения и развития новых видов услуг на базе информационно-коммуникационных технологий и оказания качественных услуг для населения, в ОАО «Узбекистон почтаси» ведется ряд работ по эстетическому улучшению операционных залов и фасадов зданий почтовых объектов.

В текущем году были произведены капитальные ремонты фасадов зданий Навоийского и Джизакского филиалов, а также капитальные ремонты Кувасайского узла почтовой связи Ферганского филиала и Зааминского узла почтовой связи Джизакского филиала.

pochta.uz

НОВОСТИ В СФЕРЕ ИКТ

CHROME OS ПРИХОДИТ НА СМАРТФОНЫ, ПЛАНШЕТЫ И ТЕЛЕВИЗОРЫ

Представители компании Google отметили, что новая операционная система Chrome OS в итоге придет не только на рынок нетбуков, но также и на сотовые телефоны и смартфоны, планшеты и телевизоры, сообщает Electronista.

Как считают в Google, эта платформа, ориентированная на веб-приложения, изначально создавалась для традиционного компьютерного дизайна, однако в будущем она может стать отличной альтернативой платформе Android на мобильных устройствах.

В КУВЕЙТЕ ВВЕЛИ ЗАПРЕТ НА ЗЕРКАЛЬНЫЕ ФОТОАППАРАТЫ

В Кувейте введен запрет на цифровые зеркальные фотоаппараты. Теперь жители и гости страны не смогут пользоваться подобными аппаратами в общественных местах, на улицах и в торговых центрах.

Как сообщает Kuwait Times, запрет введен совместным решением министерств информации, финансов и общественных отношений страны. По закону теперь полупрофессиональными и профессиональными зеркальными фотоаппаратами можно будет пользоваться только представителям прессы.

Причины, по которым власти страны ввели запрет официально не называются. При этом отмечается, что пользоваться камерами, расположенными в мобильных телефонах, а также обычными цифровыми фотоаппаратами будет по-прежнему разрешено.

SKYPE УСТАНОВИЛ РЕКОРД КОЛИЧЕСТВУ ПОЛЬЗОВАТЕЛЕЙ ОДНОВРЕМЕННО

Сервис Skype установил рекорд по количеству пользователей, 22 ноября сервисом одновременно воспользовались 25 миллионов человек, об этом сообщается в официальном блоге компании.

На сегодняшний день общая аудитория Skype насчитывает более 560 миллионов зарегистрированных пользователей. При этом Skype считается крупнейшим оператором международной голосовой связи.

Skype не приводит точные данные по количеству уникальных пользователей. А правилами ресурса не запрещается создание нескольких учетных записей на одно лицо. Skype позволяет пользователям осуществлять голосовые звонки, а также принимать участие в персональных и групповых видеозвонках. Последняя версия Skype поддерживает групповые видеозвонки с участием до 10 человек.



“РАДИОАЛОҚА, РАДИОЭШИТТИРИШ ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ МАРКАЗИ” ДУК ЖАМОАСИ


*Конституциямизнинг
18 йиллиги муносабати билан
юртдошларимизга энг эзгу
тилакларини йўлайди.*



*Ўртимиз шухрати
бундан-да юксаклаверсин!*

“O‘ZBEKISTON TELEKOMMUNIKATSIYA TARMOQLARINI BOSHQARISH RESPUBLIKA MARKAZI” ЖАМОАСИ

*Мамлакатимиз алоқа ва
ахборотлаштириш соҳаси ходимларини
умумхалқ байрами*



**КОНСТИТУЦИЯ
КУНИ**

билан қутлайди.

**Озод ва обод юртимиз
янада гуллаб-яшнасин!**

© “O‘ZBEKTELEKOM” AK

**“ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА
КОРХОНАСИ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**


**Ватанимиз фуқароларини
8 ДЕКАБР — КОНСТИТУЦИЯ
ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН
билан табриклайди.**



**Сизларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик,
оилавий хотиржамлик ва юрт равнақи
йўлидаги шарафли ишларингизда
муваффақиятлар тилаймиз!**

**“O‘ZIMPREKSALOQA” YAJ
ЖАМОАСИ**

**Барча ватандошларимиз
ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш
соҳаси ходимларига байрам
табригини йўлайди.**



“UNICON.UZ” ДУК ЖАМОАСИ

**ВАТАНИМИЗ ФУҚАРОЛАРИНИ
КОНСТИТУЦИЯМИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН
КУН БИЛАН ҚИЗГИН ТАБРИКЛАЙДИ.**



**ЮРТИМИЗ ОБОДЛИГИГА
КЎЗ ТЕГМАСИН!**

“ALSKOM” СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ

**Ўзбекистон халқини ва
барча алоқачиларни
Конституция куни
билан муборакбод этади.**



Глоблалашув замонида тарбияга боғлиқ ҳар қандай ишда биз бир нарсага алоҳида эътибор беришимиз керак: бугунги кунда ёшларнинг ҳулқ-атвори олдинги даврлардагига нисбатан тубдан фарқ килади. Бунинг асосий сабаби шундаки, бутун дунёда ўзгаришлар бўлиб турган даврда алоҳида мамлакатда кадриятларни сақлаб қолиш нихоятда мураккаб вазифа.

Ўсиб келаётган ёшларнинг қизиқишлари, қадриятлари ва дунёқарashi ўзгачалигини кундалик ҳаётимиздан кўришимиз мумкин. Ёшлар онгига оммавий маданиятнинг таъсири шунчалик кучлики, уни бошқа нарсалар билан таққослаш ҳам қийин. Бугунги кунда замонамиз ёшлари виртуал оламга гоят катта эътибор бериб, ҳаттоки, кўп ҳолларда дўсту ёрларини ҳам ўша ердан топишга ҳаракат қилмоқдалар. Биргина интернет орқали бир неча дақиқа ичида ёшлар жаҳондаги барча соҳалаги янгиликлардан хабар топиши, янгиликлар билан биргаликда ахлоқсизликка даъват этувчи сайтлар ҳам “ўз-ўзидан” чиқиб туриши замонавий тарбиянинг энг долзарб муаммоларидан бирига айланди. Шукрки, мамлакатимизда рўйхатдан ўтган бирон бир ахлоқсиз сайт йўқ ва бундай маълумотларни тарқатувчиларга жиноий жазо (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг ахборотлаштириш қондаларини бузиш бўйича 278-моддаси) қўйилади.

Олам онгига таъсир этувчи воситалар гоят кўпчилигини эътироф этганимизда, оила тарбияси биринчи ўринга чиқмоқда, ваҳоланки, умр давомида инсон доимо ниманидир ўрганса-да, асосий пойдевор болаликда қўйилади.

Болаликнинг хусусияти шундаки, у ҳар бир нарсага катта қизиқиш билан қарайди, шу пайт ота-оналарнинг бу жараёнга фаол қатнашиши муҳим масала. Кейинчалик бу пойдеворни мустаҳкамлашда ижтимоий институтлар: маҳалла, боғча, мактаб ва бошқа таълим муассасаларининг ўрни беқиссир. Булар ҳаммаси бошиданоқ инсонда ахлоқий ту-

мушда турли вазиятларда ўзини қандай тутиши ва нимадан зарба ейтишини тушутириш керак. Ёмонликнинг оқибатини тушуниб етган болалар ва ўсмирлар бундай вазиятларга тушмаслик йўлини излашди. Эрта бир кун кимдир уларга сигарет чекишни ёки бошқа ахлоқсизликни таклиф

дириш, Ватанга эътиқод, ўзини ва бошқаларни ҳурмат қилишга ўргатишдир. Бу тушунчаларнинг шаклланмаганлиги кўп ҳолларда диний экстремизм, ҳуқуқбузарлик, гиеҳвандлик ва бошқа иллатларни келтириб чиқаради. Масалан, дин ҳақидаги тушунчаларнинг нотўғри талқин қилиниши экстремизмнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Бутун жаҳонда экстремизм сафини тўлдириб бораётган ёшларнинг аксарияти ҳақиқий диний таълимдан хабари йўқлиги учун бундай жиноятлар тепасида турган қорчалонларга осонгина “ем” бўлмоқдалар. Куч ишлатиш йўли билан олиб борилган қарши курашлар сезиларли натижа бермаяпти, шунинг ҳисобига олган ҳолда, бу борада асосан мафкуравий ишларни кучайтириш ўта муҳимдир. Ўз навбатида, мафкуравий тарбия ёшликлдан олиб борилсагина ижобий натижаларга олиб келади. Боғчадан бошлаб тушутириш ишларини тўғри олиб бориш учун боғча тарбиячиларини мазкур йўналишда ўқитиш зарур, ваҳоланки, бундай тарбия ўз ичига кўплаб нозик қирраларни қамраб олган. Масалан, бола ўта диндор оилада тарбия олмақда, у албатта, ҳамманинг оиласи меникидай диндор бўлиши шарт деган тушунча билан улғаяди. Бу эса, ўз навбатида, бир қатор тўсиқларга олиб келади. Шу томонларни ҳисобга олиб, боғча тарбиячилари ҳамма нарсага эътиборли бўлишлари ва вақти келганда суҳбат ўтказиб болаларга ҳамма ҳар хиллигини ва ҳаммани қандай бўлса шундайлигича (миллати, жинси, эътиқоди, ютуқ ва камчиликлари билан қатъи назар) қабул қилишларини ўргатиб борсалар, эртага бола мактабга борганда ҳам тендошлари билан муносабат қилишда муаммо туғилмайди. Аслида шу йўл орқали болада толерантлик (бағрикенглик) тушунчаси шакллана боради.

Ёшлар ва тарбия



**Ўзбекистон Республикасини химоя қилиш —
Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг
бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган
тартибда харбий ёки муқобил хизматни ўташга
мажбурдирлар.**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, XI боб, 52-модда.

шунчаларни ҳамда нима яхши-ю нима ёмонлигини уқтиради. Агарда бу масалага ота-оналар ва мутахассислар томонидан жиддий ёндашилмаса, бу масалани “бошқалар”, яъни кўча-куйда юрганлар ўз “зиммаларига” оладилар. Бу эса вақти келиб катта муаммоларни келтириб чиқаради, чунки кўчанинг “қонунлари” ўзгачадир. Булардан ташқари, оммавий ахборот воситалари, интернет, телевидение ёки компьютер ўйинлари ҳам кўп ҳолларда замонавий “тарбиячилар”га айланиб боришмоқда. Натижада болаларда хатарли ҳулқ ва “ҳамма нарса мумкин экан” деган тушунчалар пайдо бўлмоқда.

Болаларни бутунлай салбий таъсирлардан асраш мураккаб. Кўп ҳолларда боланинг бундай “тузоқларга” тушиб қолмаслиги олдини олиш учун унга кундалик тур-

қилган пайтда ҳам буни нима билан туташини тасаввурга сизгирати олади ва бундай таклифни рад этиш учун ўзида куч топа олишига ишонди.

Тарбиянинг усуллари кўп, масалан, ижтимоий фикр орқали кўрқитиш (кўпчилик ўртасида танбеҳ бериш, ота-оналарни таклиф қилиб салбий баҳо бериш, иш жойларига хат юбориш, йиғилишларда муҳокама қилиш) ёки қонун орқали кўрқитиш (ҳуқуқий жавобгарликка тортиш, қамалиш хавфи). Лекин кўрқитишнинг таъсир доираси самарасиз ҳисобланади, чунки бу борада болада фақат кўрқув хавфи кучаяди, салбий вазиятлардан сақланиш иммунитетини шаклланмайди. Мақсадимиз эса ўсиб келаётган ёш авлодда ҳар бир ишга виждонан ёндашиш, бошқа миллат вакилига бағрикенглик руҳида муносабат бил-

Гулшан ХУДОЁРОВА,
Насиба ҚАЮМОВА,

ТАТУ Қарши филиали ўқитувчилари

Бугунги кунда электрон ҳужжат айланиши ахборот такдим этишнинг асосий усулига айланиб бормокда. Электрон ҳужжат айланиши тизимидан фойдаланиш орқали қоғоз ҳужжатлар билан ишлаш жараёнида юзага келадиган кўплаб ташкилий ва технологик чекловларни бартараф этиш мумкин. Бу эса ҳужжатлар билан ишлаш самарадорлиги, бошқариш сифатини ошириш, ахборотни ишончли химоя қилишни таъминлаш имконини беради.

ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЙЛАНИШИ ТИЗИМИ

Ривожланиш ва истиқболлар

Республикамызда электрон ҳужжат айланиши тизимларини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлдаги «Республикада қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги 155-қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган кўшимча чора-тадбирлар комплексидан электрон ҳужжат айланишини жорий этишни тақомиллаштиришга қаратилган алоҳида бўлим мавжуд бўлиб, унда Вази́рлар Маҳкамаси билан давлат, ҳўжалик бошқаруви ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасида «Е-Нужат» тизимини жорий этиш ва улардан белгиланган тартибда фойдаланиш кўзда тутилган. Электрон ҳужжат айланиши тизимлари нафақат битта корхона миқёсидан, балки мамлакат иқтисодий-этининг барча жабҳаларида қўлланилиши лозим.

Электрон ҳужжат айланиш тизимини жорий этиш куйидаги имкониятларини яратлади:

- ҳужжатлар бўйича ишлашни тақомиллаштириб, ҳужжатни қидириш, яратиш, келишиши ва бошқа жараёнларга кетадиган вақтни тежайди. Ҳужжатларни тартибда сақланиши натижасида улар устида ишлаш осонлашади;
- тизимга рухсатсиз (ноқонуний) кириб ишлашнинг олдини олади. Маълум ҳужжатлар устида ишлаш фақатгина белгиланган шахсларгагина рухсат этилади. Ҳар бир амалга оширилган жараён дастурий таъминотда қайд қилиб борилади. Ҳужжатни ўзгартирган, унга ишлов берган шахс ўзи бажарган ишни инкор қила олмайди. Электрон рақамли имзо қўлланилиши ҳужжатнинг бутунлигини сақлаб, уни ноқонуний ўзгартирилишининг олди-

ни олади;

- ҳужжат айланишини назорат қилиш осонлашади. Ҳужжат устида ким ишляпти, унинг ҳолати қандай ва кейинги босқичда кимга узатилиши керак, деган саволларга осонгина жавоб топиш мумкин, яъни ҳужжат устида ишлаш жараёни доимий мониторинг қилиб турилади;

- ҳужжатлар устида ишлашнинг доимий назорат қилиб борилиши ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлайди.

Ҳозирги кунда республикамызда тизимларнинг ўнга яқин тури ишлаб турибди. Энг кенг қўлланилаётган тизимларга маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқилган «Гермес», «Е-Нужат», «IS Docflow», «FIDO-DOCFLOW» тизимлари ва чет эл компанияларининг «Ефрат», «Лотус Домино» тизимлари кирди.

Қўлланилаётган тизимларнинг асосий камчилиги электрон ҳужжатга юридик мақом бериш имконининг йўқлиги, ахборот хавфсизлиги масаласининг тўлиқ ечилмаганлиги ва кўпгина тизимларнинг фойдаланувчилар ишлатиши жараёнининг мураккаблиги ҳисобланади. Бундан ташқари, тизимларнинг асосий қисми Вази́рлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 мартдаги 140-қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси вази́рликлари, давлат қўмиталари, идоралари, корпорациялари, концернлари, уюшмалари, компаниялари ва бошқа марказий муассасалари аппаратларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича йўриқнома»си асосида ишлаб чиқилмаган. Тизимларнинг ўзаро ишлай олиш масаласи ҳам ҳозиргача ҳал қилинмаган.

Электрон ҳужжат айланиш тизимларида ҳужжатлар интернет, интранет

ёки локал тармоқ орқали узатилади ва қабул қилинади. Ҳозирги кунда хакерлар интернетга ундаги ахборотларни кузатиш, эшитиш ва қабул қилиш имкониятларини берувчи жуда кўп дастурий таъминотларни жойлаштириб улгуришган. Ушбу тармоқларга уланган айрим «устамонлар» фойдаланувчининг парол ва логинини олса, кифоя. Унинг барча ҳужжатларини олиб ўқиши ҳамда ҳужжатларни ўзгар-

рақамли имзо, шифрлаш, калит алмашиш тизимлари орқали махфийлиги ва бутунлигини таъминлаш;

- электрон ҳужжатларни марказлашган ҳолда сақлаш, алмашиш ва фойдаланувчиларнинг ишларини енгиллаштириш;

- фойдаланувчилар калитларини ва калит сертификатларини марказлашган ҳолда бошқариш.

Ушбу тизимда қўлланилган элект-

рон рақамли имзо алгоритми давлат стандартига тўлиқ жавоб беради.

«Е-Нужат» тизими фойдаланувчи дастурининг асосий вазифаларига электрон ҳужжат ҳосил қилиш, электрон рақамли имзони шакллантириш ва уни текшириш, ҳужжатларни шифрлаш, ёпиқ калитларни ҳосил қилиш, шахсий ҳужжатларни химояланган ҳолда сақлаш, ҳужжатларни жўнатиш ва қабул қилиш кирди.

Республикада электрон ҳужжат айланиш тизимини ривожлантириш мақсадига қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- ишлаб чиқилган тизимларнинг ўзаро ишлай олишини таъминлаш. Бунинг учун чиқиш ҳужжатлари ягона шаклда шакллантирилиши лозим;
- барча тизимларда электрон рақамли имзони ягона давлат стандарт асосида қўллаш, ҳужжатларга юридик мақом бериб, уларни қалбақиллаштиришнинг олдини олиш. Турли стандартлардан фойдаланилганда электрон рақамли имзони ўзаро текшириш имконияти бўлмайд;
- тизимларда айланаётган ҳужжатларнинг хавфсизлигини таъминлаш;
- тизимларни мавжуд меъриий ҳужжатлар талабларига мос келишини таъминлаш.

Ушбу ишларнинг амалга ошириш натижасида республикамызда электрон ҳужжат айланиш тизимлари жадвал ривожланиб, қоғоз ҳужжатларнинг ишлаб чиқишга кетадиган сарф-харажатларини камайтириш, иш юритиш жараёнини тақомиллаштириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳисобига иқтисодий самара ҳам келтиради.

Ушбу ишларнинг амалга ошириш натижасида республикамызда электрон ҳужжат айланиш тизимлари жадвал ривожланиб, қоғоз ҳужжатларнинг ишлаб чиқишга кетадиган сарф-харажатларини камайтириш, иш юритиш жараёнини тақомиллаштириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳисобига иқтисодий самара ҳам келтиради.

Ушбу ишларнинг амалга ошириш натижасида республикамызда электрон ҳужжат айланиш тизимлари жадвал ривожланиб, қоғоз ҳужжатларнинг ишлаб чиқишга кетадиган сарф-харажатларини камайтириш, иш юритиш жараёнини тақомиллаштириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳисобига иқтисодий самара ҳам келтиради.

Ушбу ишларнинг амалга ошириш натижасида республикамызда электрон ҳужжат айланиш тизимлари жадвал ривожланиб, қоғоз ҳужжатларнинг ишлаб чиқишга кетадиган сарф-харажатларини камайтириш, иш юритиш жараёнини тақомиллаштириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳисобига иқтисодий самара ҳам келтиради.

Ушбу ишларнинг амалга ошириш натижасида республикамызда электрон ҳужжат айланиш тизимлари жадвал ривожланиб, қоғоз ҳужжатларнинг ишлаб чиқишга кетадиган сарф-харажатларини камайтириш, иш юритиш жараёнини тақомиллаштириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳисобига иқтисодий самара ҳам келтиради.

Ушбу ишларнинг амалга ошириш натижасида республикамызда электрон ҳужжат айланиш тизимлари жадвал ривожланиб, қоғоз ҳужжатларнинг ишлаб чиқишга кетадиган сарф-харажатларини камайтириш, иш юритиш жараёнини тақомиллаштириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳисобига иқтисодий самара ҳам келтиради.

Хислат ҲАСАНОВ,
«UNICON.UZ» ДУК директори
ўринбосари

➔ KITOB JAVONINGIZGA

Маънавият сабоқлари



Маънавият, маърифат ва мафкура жамиятнинг тараққиёт талаблари ва эҳтиёжларига руҳий уйғун бўлса, халқни, миллатни камолотга бошлайди, манфаатларига зид келгудек бўлса, ҳалокатга етаклайди.

Маънавий-ғоявий манкуртликка олиб келади. Маданий-маърифий жиҳатдан қашшоқ бўлган мамлакат буюқ, порлоқ истиқболга эга бўла олмайди.

Ушбу фикрлар Тошкент ахборот технологиялари университети ўқитувчиси Незъматилла Мўминовнинг «Маънавият сабоқлари» китобидан олинди. Бир неча йил турли лавозимларда меҳнат қилиб, талабаларга миллий истиқлол ғоясини тушунтириш ва ёшларни

жисмонан етук, маънан баркамол қилиб тарбиялаш жараёнида пайдо бўлган фикр-мулоҳазалар ўрин олган ушбу китобдан.

Китобни қўлига олган ўқувчи «Мустақиллик, ватанпарварлик мезони — филойиликлар», «Ўқитувчи шахсига ва тингловчига қўйилган касбий ҳамда одобий талабларга оид мулоҳазалар», «Бугунги кун ёш мутахассисининг кодекси», «Бошқарув ва раҳбарлик қобилияти», «Амир Тему́р ва Алишер Навоий сабоқлари», «Бозор иқтисодиёти ва одоб», «Илимий ниймонга даъват этади», «Умр сабоқлари», «Ибра-томуз лавҳалар» каби бўлимларни ўқир экан, муаллифнинг турли мавзуларда бой ҳаётий тажриба асосида кенг мушоҳада юритганига амин бўлади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимизда «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун. Унинг

манфаатлари учун», деган даъват шунчаки шиор эмас, балки янгиланиш жараёнининг, бунёдкорлик ишларимизнинг реал ифодасига айланиб бормоқда.

Юртимизда истиқлолнинг дастлабки қунлари даноқ моддий ва маънавий ҳаётни ўзаро уйғун ривожлантириш шунчаки илмий-назарий эмас, балки стратегик вазифа сифатида белгилан олди.

Китобда шу муносабат билан «Япон мўъжизаси» ва «Корея мўъжизаси»нинг маъно-моҳияти таҳлил этилиб, моддий ва маънавий қадриятларни уйғун ривожлантиришнинг ўзига хос фалсафаси, амалий масалалари кенг миқёсда очиб берилган.

Муаллиф азалий қадриятларимиз ҳақида фикр юритар экан, меҳр-оқибат, меҳр-муҳаббат, меҳр-шафқат, қадр-қиммат каби тушунчаларни бошқа тилларга айнаган таржима қилишнинг ўзи мушкул эканини алоҳида таъкидлайди. Одамларни ўзаро меҳр-оқибатли бўлишига қақиради.

Давра суҳбати

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун тобора яқинлашмоқда. Шу муносабат билан алоқа соҳаси корхона ва ташкилотларида Конституциямиз қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган турли тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилляпти.



“Ўзбектелеком Мобайл” филиалида бўлиб ўтган давра суҳбати ҳам ана шу қутлуғ санага бағишланди. Давра суҳбатини корхона бош директори Қахрамон Йўлдошев очиб, йиғилганларни Бахтимиз қомуси қабул қилинган кун билан табриклади, ишларига ривож, оилаларига хотиржамлик тиллади.

Йиғилиш иштирокчилари Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши юридик бўлими мудир Абдувоҳид Аҳмедов ҳамда юридик фанлари номзоди Наримон Ражабовларнинг Конституциямиз ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини тингладилар. Жумладан, А.Аҳмедов Конституциямиз миллий қадриятларимиз, анъаналаримизга таянган ҳолда тайёрлангани, у ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асоси эканлиги, Ўзбекистон парламен-

ти таркиби, ижро этувчи органлар фаолияти, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги зиммасига юклатилган вазифалар, инсон манфаатларининг устуворлиги ҳақида гапирган бўлса, Н.Ражабов Конституциямизнинг яратилиш тарихи, бошқа давлатлар конституциясидан фарқли томонлари, у давлатнинг ички ҳаётини акс эттирувчи ягона нормалар тизими эканлиги ҳақида сўз юритди.

Маърузачилар иштирокчилар томонидан берилган саволларга батафсил жавоб беришди. Эркин мулоқот тарзида ўтган ушбу давра суҳбати филиал ходимларининг Конституциямиз ҳақидаги билимлари янада ортишига, уларда Ватанга муҳаббат, қонунларимизга ҳурмат ҳисси янада кучайишига сабаб бўлди.

*Муборак МИРКАМОЛОВА
Муҳиддин СОЛИЕВ олган сурат*

“Янада кўп суҳбат” тариф режаси

UCell “Янада кўп суҳбат” янги тариф режасини тақдир қилади.

Мазкур тарифнинг асосий хусусиятларидан бири шундаки, тармоқ ичидаги барча чиқиш кўнғироқлари иккинчи дақиқадан сўнг бепул, айни пайтда барча кириш кўнғироқлари текин ва абонент тўлови ҳам йўқ. Шу билан бирга, янги тариф режаси Ўзбекистон бўйлаб чиқиш кўнғироқлари ва тармоқ ичидаги SMS ва MMS хабарлари учун тежамкор нархларга эга. Интернетда ишлаш ҳам арзонроқ – 1Mb учун атиги \$0.06. Уланиш пайтидаги биринчи тўлов 3000 сўм ва ушбу маблағнинг ҳаммаси абонент рақамига тушалади.

“Янада кўп суҳбат” янги тариф режаси фаол ҳаёт тарзи олиб борувчи ва уяли телефон орқали кўп суҳбатлашадиган инсонлар учун мўлжалланган. Замонавий ҳаёт тарзи ва абонентлар қизиқишларини инобатга олган ҳолда, UCell янги қўлай тариф режасини ишлаб чиқди ва у энди арзонроқ нархда кўнғироқ қилиш, SMS орқали хабар ва MMS орқали фотосурат ва мультимедиа файллар жўнатиш ҳамда интернетдан фойдаланиш имкониятини беради.

Энг меҳрли кутубхоначи

Тошкент шаҳрида Халқаро кўзи ожизлар кунини нишонлаш, кўриш қобилияти чекланган китобхоналарга хизмат кўрсатувчи ижодкор, билимдон, фидойи кутубхоначиларни рағбатлантириш, уларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш, соҳа мутахассисларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилган анъанавий “Энг меҳрли кутубхоначи” кўрик-танловининг якуний республика босқичи бўлиб ўтди.

— Танловда вилоят босқичи ғолиблари учта шарт бўйича куч синашдилар, — дейди Навоий вилояти кўзи ожизлар кутубхонаси директори Сувоп Мамадиёров. — Қизгин баҳс-мунозаралар остида ўтган беллашувда вилоятимиз вакили, Навбаҳор тумани кўзи ожизлар кутубхонаси мудир Одижон Кенжаев фахрли учинчи ўринни эгаллаб, республика Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг фахрий ёрлиғи ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

*Маруса ҲОСИЛОВА
Навоий вилояти*



Ўзбекистон Республикаси ҳудуддаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мўвофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонуни ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, VI боб, 23-модда.

“TELMAX ELEKTRONIKS” ИЧК МЧЖ ЖАМОАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ
РЕСПУБЛИКАМИЗ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ
ҚИЛИНГАНЛИГИГА 18 ЙИЛ ТўЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН
САМИМИЙ ҚУТЛАЙДИ.

Хулоса

“Матбуот тарқатувчи” АҚдан олинган маълумотга кўра, шу йилнинг 19 ноябига қадар Тошкент вилояти алоқа ходимлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан “Хабар” газетасига 375тадан кўп (жами 924та) обуна бўлишган. Обуна давом этилмоқда.



“Хабар” газетасига КИМ қанча обуна бўлди?

2011 йил учун расмийлаштирилган обуна

| Вилоятлар | 19.11.2010 | 20.11.2009 |
|------------------------------|-------------|-------------|
| Қорақалпоғистон Республикаси | 505 | 1265 |
| Андижон | 768 | 820 |
| Бухоро | 230 | 70 |
| Жиззах | 82 | 228 |
| Қашқадарё | 626 | 791 |
| Навоий | 249 | 156 |
| Наманган | 529 | 600 |
| Самарканд | 198 | 518 |
| Сурхондарё | 345 | 701 |
| Сирдарё | 180 | 45 |
| Тошкент | 924 | 549 |
| Фарғона | 484 | 1054 |
| Хоразм | 268 | 329 |
| Тошкент шаҳри | 1885 | 2677 |
| Жами | 7273 | 9803 |

“Маълумот “Матбуот тарқатувчи” АҚ томонидан тақдим этилди.

Моддий-маънавий
 бойгигимизни асраш, уни турли зиёнлардан, жумладан, ёнгин офатларидан химоялаш, халқ ҳўжалигидаги барча ютуқларни асраш ва унинг тараккиётига хисса қўшиш ҳар бир ташкилот меҳнат жамоасининг, ҳар бир фуқаронинг мукаддас бурчи бўлмоғи керак.

Миллий бойлик

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси ва унинг туман бўлимлари ана шу бурчни чуқур ҳис этган ҳолда мунтазам равишда моддий бойликларни, аҳоли тураржойларини ёнгиндан муҳофаза этиш мақсадида турли тадбирларни ўтказиб келипти. Тадбирлар давомида ташкилот, корхона ва муассасаларда, кенг омма ўртасида ёнгин хавфсизлиги қоидалари тарғиб қилинапти, фуқароларда ёнгинларнинг келиб чиқиш сабаблари ва омилларига нисбатан онгли муносабат уйғотиляпти, халқимиз меҳнати маҳсули — моддий бойликларни ёнгин офатларидан сақлаш юзасидан йўриқлар берилмоқда ва аҳоли яшаш жойларида хавфсизлик чораларини кўриш сингари қатор долзарб вазибаларнинг бажарилиши йўлида масъулият ошириляпти. Давлат ёнгин назорати органлари ходимларининг маҳалла фаоллари ва жойлардаги профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда иш олиб боришлари бу тадбирларнинг самарали ўтишини таъминламоқда.

Ёнгинларнинг аксарияти аҳоли яшаш жойларида носоз ҳолдаги газ ва электр иситиш анжомларидан фойдаланиш, болаларнинг гугурт ва бошқа ёнгин чиқишига олиб келувчи жиҳозларни ўйнаши ҳамда оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш оқибатида юз бераётган бўлса, халқ ҳўжалиги масканлари биноларида ёнгинга қарши тақлиф ва талабларни бажармаслик, битта электр улагичга бир нечта кучли қувватли электр жиҳозларини улаш натижасида қисқа туташувлар содир бўлиб, ёнгинлар юзага келмоқда. Бундан ташқари, ҳозирда хорижда ишлаб чиқарилган турли газ ва электр иситиш пелларидан фойдаланиш одат тусига кириб қолганки, уларнинг чиройли ишланганлиги, бежиримлиги фуқароларимиз эътиборини ўзига тортмоқда, оқибатда улар ушбу пелларни катта маблағлар эвазига сотиб олиб, ўзларини, қолаверса, оила аъзолари ҳаётини хавф остида қолдирмоқдалар.

Ходимлар томонидан жойларда ўтказилаётган режали текширувлар ва мониторинг ўрганишлар жараёнида тадбиркорлик субъектларида ёнгинга қарши ҳолат бўйича аниқланган камчиликларнинг амалий ёрдам кўрсатиш тарихида бартараф этилишига эришилмоқда.

Удубек РАЗЗОҚОВ,
 12-ҲЕХО пост бошлиғи, капитан

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"Сурхондарё Телеком" филиали жамоаси филиал иқтисодчиси Роза ШАМСИЕВАни 55 ёшга тўлиши муносабати билан самий табриклайди. Унга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр ва яхши кайфият тилайди.

OSIYO O'YINLARIDA

Гуанчжоу-2010: Натижалар сарҳисоби



Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида 12-27 ноябр кунлари бўлиб ўтган XVI ёзги Осиё ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 11 олтин, 22 кумуш, 23 бронза, жами 56 медал жамғариб, умумжамоа ҳисобида кучли саккизликдан жой олди.

Гуанчжоуда 224 нафар ҳамюртимиз спортнинг 29 тури бўйича мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилди.

Ўзбекистон спорт делегацияси ҳисобида Осиё ўйинларининг биринчи олтин медалини дзюдо бўйича жаҳон чемпиони Ришод Собиров тақдим этди. Спорт оламининг барча нуфузли мусобақалари — Олимпия ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатларида совринли ўринларни эгаллаган Ришод бугун мамлакатимизда камол топаётган ёш спортчилар учун намуна бўлмоқда.

Эркин кураш бўйича икки карра жаҳон чемпиони Дилшод Мансуровнинг натижалари эса қитъамизнинг кўплаг спортчилари учун орузга айланди. Моҳир полвонимиз фаолияти давомида кетма-кет учинчи маротаба Осиё ўйинлари шоҳсупасининг энг юқори погонасини забт этди. Унинг жамоалоши — икки карра Олимпиада ва жаҳон чемпиони Артур Таймазов ҳам тўрт йил олдин Қатарнинг Доҳа шаҳрида кўлга киритган чемпионлик унвонини муносиб ҳимоя қилди.

Каноэда эшак эшиш бўйича икки карра жаҳон чемпиони ва дунёнинг энг яхши каноэчиси — Вадим Менков ва боксчи Элшод Расулов ҳам кетма-кет иккинчи мартаба Осиё ўйинлари ғолиби бўлди.

Каноэда эшак эшиш бўйича

жуфтликлар ўртасида Серик Мирбеков ва Герасим Кочнев, байдаркада эшак эшиш бўйича тўртликлар ўртасида Сергей Борзов, Алексей Бобононов, Алексей Мочалов ва Вячеслав Горндан таркиб топган жамоамиз ҳам олтин медалга эга бўлди.

Йилдан-йилга шахсий кўрсаткичларини ошириб бораётган велоспортчимиз Владимир Тўйчилов аввалги Осиё ўйинларида велоспорт беллашувларида кўлга киритган кумушни бу гал олтин медалга айлантирди. Ўзбекистонлик жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов рапид — тезкор шахмат бўйича шахсий биринчиликда тўққиз имкониятдан 7,5 очко жамғариб ва мағлубиятга учрамаган ягона шахматчи сифатида олтин медал билан тақдирланди.

Спортчи қизларимиз Осиё ўйинларида 19 медал жамғаришди. Истеъодли енгил атлетикачи Юлия Тарасова еттикурашда, Светлана Радзивил баландликка сакраш бўйича илк бор Осиё ўйинлари чемпиони бўлди. Енгил атлетикачилар — Гузал Хуббиева, Надия Дусанова, теннисчи Окгул Омонмуродова, бадий гимнастикачи Уляна Трофимова кумуш медалга сазовор бўлди.

Таэквондочи Евгения Каримова, каратэчи Барно Мирзаева, батутда сакрашда Екатерина Хилко, спорт гимнастикасида Луиза Гали-

улина, енгил атлетикада Гузал Хуббиева, Юлия Тарасова, академик эшак эшишда Зарина Михайлова учинчи ўринни эгаллади.

Ўзбекистонлик спортчи қизларнинг жамоавий мусобақаларда ҳам ўзини кўрсатгани, айниқса, кувонарлидир. Нафиса Мўминова, Олга Собирова, Юлдуз Ҳамроқулова, Нодира Нодиржонова — шахмат беллашувларида, Уляна Трофимова, Жамила Раҳматова, Замира Санақулова — бадий гимнастикада, Юлия Борзова, Виктория Петришина, Екатерина Шубина, Ксения Прилепская — байдаркада эшак эшишда кумуш медалга сазовор бўлди. Луиза Галиулина, Даря Елизарова, Юлия Горева, Асал Сафарбоева, Диана Каримжонова, Ирина Володченко спорт гимнастикасида, Яна Фатхи, Елена Кузнецова, Сакина Мамедова ўқ отишда, Ўзбекистон хотин-қизлар терма жамоаси сув полоси бўйича илк маротаба бронза медални кўлга киритди.

Ўзбекистон спорт делегацияси раънасидаги қолган кумуш ва бронза медаллар эркаклар ўртасида дзюдо, теннис, слаломда эшак эшиш, таэквондо, оғир атлетика, бокс, спорт гимнастикаси, академик эшак эшиш, байдарка ва каноэда эшак эшиш, эркин ва юнон-рум кураши бўйича мусобақаларда қатнашган терма жамоамиз аъзоларига тегишли бўлди.

Хушёр бўлайлик!

Республикамиз ҳудудида 15 ноябрдан 15 декабрга қадар "Ёнгин хавфсизлиги ойлиғи" ўтказилмоқда.

Маълумки, жамият учун ҳам, шахс учун ҳам хавфсизлини таъминлаш юқори ўринда туради. Айниқса, ёнгин хавфсизлиги чораларини кўриш ҳамшиша, ҳар жойда катта масъулиятни талаб этади. "Сув балосидан, ўт балосидан асрагин", деган нақл бежиз айтилмаган. Чунки, эҳтиётсизлик ёки бошқа бирор сабаб туфайли чиққан ёнгин оқибатида асбоб-ускуналар, ўқув қуроллари ёхуд бошқа моддий бойликлар ёниб, кулга айланиши мумкин. Энг ачинарлиси, оловнинг фалокати инсонлар ҳаётига ҳам хавф солади.

Ёнгинларнинг аксарияти фуқаролар турар-жойларида юз бераётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, газли иситиш ва электр асбобларидан нотўғри фойдаланиш, масъулиятсизлик, қаровсизлик, бефарқлик, умуман, ёнгин хавфсизлигининг олдий қоидаларига риоя қилмаслик, уларни кўр-кўрона бузиш оқибатида ёнгин чиқиш ҳолати кўпга учрамоқда.

Шу боис доимо хушёр бўлиб, уйда, ишхонада, жамоат жойларида ёнгин хавфсизлиги ҳақида ўйлайлик, фалокатнинг олдини олишга ҳаракат қилайлик.

Зафаржон МУРАМЕТОВ,
 ЁХБ 12-ҲЕХО смена бошлиғи, капитан

Ҳайдовчилар учун машғулот

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент филиалида маъмурият ва почта алоқаси тармоқларининг автомашина ҳайдовчилари учун йўл ҳаракати қоидалари бўйича ўқув-семинар машғулотлари бўлиб ўтди. Семинарни Тошкент вилояти Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ҳайдовчилик курси мутахассиси Комилжон Муратов олиб борди.

Жами 41 ҳайдовчи қатнашган мазкур машғулотларда К.Муратов йўл ҳаракати қоидалари, йўл-транспорт ҳодисаларининг келиб чиқиши ва уларнинг олдини олиш йўллари, аҳоли зич ҳудудларда, шаҳар ичи ва ташқарисида ҳаракатланиш бўйича машғулотлар ўтказди. Семинар сўнгида ҳайдовчилар тест синовларидан ўтишди.

Ўз мухбиримиз



ALOQABANK

ОАТ "Алоқабанк" барча ҳалиюртлари.мизни,
фидокорона меҳнат қилаётган акциядорлари.мизни,
мижозлари.мизни ва ҳаликасблари.мизни

ҚОҢСЕТТИТУЦИ

куни билан муборакбод этади.

Сизларга тинчлик, узоқ умр,
сиҳат-саломатлик тилай.миз!

Банк ўз мижозларига қуйидаги
янги хизматларни таклиф этади:




Жисмоний шахслар учун ИНТЕРНЕТ БАНКИНГ



VISA Classic

карточкасига эга бўлинг ва фойдаланинг.
ОАТ "Алоқабанк" VISA Classic карточкаси
сафарларингиз учун тенгсиз ҳамроҳингиздир.



Шунингдек, банк аҳолига жозибадор
омонатларини таклиф этади.

Хизматлар лицензияланган.

Тел.: (+998 71) 252 78 82
www.alokabank.uz
alokauz@uzpak.uz

YUKSAKLIKKA INTILGANLAR UCHUN



Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА
АХБОРОТЛАШТИРИШ
АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақами билан 2006 йил
6 декабрда рўйхатга олинган.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Ҳаким МУҲИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асаджон ХҲЖАЕВ, Миродил
САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувои
НАЖБИДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдулгани АБДУРАҲМОНОВ (Бош
муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятта келган кўлэзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланиши мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ❗

Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас.
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Газета
ҳафтанинг
жума кун
чиқади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Манзили: Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

G-1102 сонли буюртма.
Офетт усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма
табоқ. Алади: 10151 нусха.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер
базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Собит АҲАДОВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Видеот
муҳбирлари:

| | | | | | | | | | | | | |
|------------------------|-----------------------|------------------------|-----------------------|----------------------|-------------------------|----------------------|--------------------------|-----------------------|------------------------|------------------------|------------------------|---------|
| Андижонда 226-47-80 | Бухорода 223-27-85 | Гулistonда 40-12-19 | Жиззахда 226-06-34 | Навоида 225-91-10 | Наманганда 226-61-85 | Нукусда 554-35-45 | Самарқандда 233-61-81 | Термизда 224-06-12 | Тошкентда 288-40-66 | Урганчада 226-37-16 | Фарғонада 314-08-99 | Қаршида |
|------------------------|-----------------------|------------------------|-----------------------|----------------------|-------------------------|----------------------|--------------------------|-----------------------|------------------------|------------------------|------------------------|---------|